

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИННИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТАРТИБИ**

**Ғанижонов Шохжакон Зафаржон ўғли**  
ИИВ Академияси З-курс курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада мавзуснинг долзарбилиги, бугунги кундаги ҳолати ва фирибгарлик жиноятларининг профилактикасини ташкил этиши фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Бундан ташкари содир этилган фирибгарлик жиноятларининг амалиёт тахлили ва уларга нисбатан расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар, шунингдек ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг фирибгарлик жиноятларининг профилактикасини ташкил этиши фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиши буйича бир қатор таклифлар, ҳамда юқорида келтириб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** фирибгарлик, жиноят, бугунги кундаги ҳолат, процессуал ҳужжатлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар, такомиллаштириш йўналишлари.

**КИРИШ**

Алдаш ёки ишончни сустеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкини ёки мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш ҳақида гапирилганда, энг аввало, унинг мазмунини ташкил этувчи – «фирибгарлик» атамаси билан боғлиқ бўлган айrim тушунчаларни таҳлил қилиш зарур. «Фирибгарлик» тушунчасини ўрганиш жараёнида уни таърифлашда қўйидаги тўрт хил ёндашув мавжудлиги кузатилди:

**Биринчи:** Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «фирибгарлик» тушунчасининг луғавий маъноси қўйидагича изоҳланган:

– Фирибгарлик – “алдамчилик, хийлагарлик” маъноларини билдиради.

**Иккинчи:** Исломда - алдов, фирибгарлик, бирорничув тушуниш, савдо-сотикда алдамчилик каби иллатлар қораланган. Хадиси шарифнинг ривоятларида “Кимки алдаб фириб берса, биздан эмас!” деб келтирилган.

**Учинчи:** Фирибгарлик жинояти тушунчasi ҳамда унинг учун жавобгарлик масалалари **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 168-моддасида** назарда тутилган. Жиноий-ҳуқуқий тушунчада фирибгарлик алдаш ёки ишончни сустеъмол қилиш йўли билан ўзганининг мулкини ёки ўзганининг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишни англашади. Бундай қилмиш учун озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилган.

**Тўртинчи:** Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигига фирибгарлик тушунчаси ёритилган:

Юқоридаги тушунчалар таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, фирибгарликнинг тушунчаси унинг содир этиш усули, шакллари ва қўллаш методларидан келиб чиқади. Масалан, фирибгарликка оид барча тушунчаларда бирорни алдаш орқали мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда содир этилаётган жами жиноятлар орасида фирибгарлик жиноятларининг салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилмоқда. Таҳлилларга кўра, 2020 йилда фирибгарлик жинояти жами содир этилган жиноятларнинг 11,7 фоизини ташкил қиласа, 2021 йилда бу қўрсаткич 13,1 фоизни ташкил қиласа. 2021 йилнинг 12 ойи давомида республика бўйича содир этилган фирибгарлик жинояти (10496) 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 22,78 (24554) фоизга ошган, умумий жиноятларда хиссаси 15,1 фоизни ташкил этмоқда. Фирибгарликнинг салмоқли қисми Тошкент шахри (1296 та ёки 20%) Фарғона вилояти (840та ёки 13%), Самарқанд (632 та ёки 9,7) ва Тошкент (557 та ёки 8,6) виилоятлари ҳисобига тўғри келган. Энг ачиরнарлиси, 2021 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 7,4% (478) та фош этилмасдан қолган.

### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фирибгарлик жиноятларининг камайтириш масаласи ҲМҚОлар олдида турган энг муҳим ва устувор вазифаларидан бўлиб, мазкур вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш кўпроқ огоҳ этувчи профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалга оширишда қўлланилаётган фирибгарликнинг барвақт профилактикаси механизмини мунтазам равишда такомиллаштириб боришини тақазо этади. Фирибгарликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини таъминлаш учун энг аввало мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берадиган шартшароитларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараён ёки мавжудликнинг моҳиятини ўрганиш унинг келиб чиқиши ёки содир бўлишига туртки берган сабаблар, имконият яратган шартшароитлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини талаб этади<sup>76</sup>.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқбузарликни касалликка, ҳуқуқбузар шахсни беморга қиёслашади ва мазмунан уларни бир-бирига яқин тушунчалар деб билишади. Дарҳақиқат, пенитенциар тизимда жазо ҳуқуқбузар шахсни жазолашга эмас, балки ахлоқан тузатишга хизмат қилиши лозим деган қараш мавжуд. Тиббиёт соҳасида эса беморни ҳам жисман, ҳам руҳан соғломлаштиришга эътибор қаратилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари кишилар психологияси ва онгига таъсир қўрсатиб, уларда файриижтимоий қарашларни, хулқ-атворни шакллантиради ёки уларни

<sup>76</sup> ИИВ вазири Пўлат Бобоҷонов “Ҳалқ давлатдан рози бўлиши қўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз” 2018-й “Постда” 8 сон

озиқлантиради, кучайтиради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий психологик хусусиятга эга. Ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар ижтимоий шароитлардан келиб чиқсан бўлиб, маълум даражада мустақилдир<sup>77</sup>.

Фирибгарлик жиноятини содир этиш сабабини ўрганиш мақсадида шу турдаги жиноятни содир этиб жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумлар орасида ўтказилган анкета сўровлари натижалари шуни кўрсактмоқдаки, сўровда иштирок этган 1395 нафар маҳкумларнинг 30,5 фоизи моддий етишмовчилик, 28,8% таълим-тарбиядаги камчилик, 17% ишсизлик, 13,5% ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, 5,3% профилактик ишлари етарли эмаслиги, 2,2% ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги камчиликларни сабаб сифатида эътироф этишган.

Ёшлар томонидан фирибгарликнинг содир этилиши сабабини ўрганиш юзасидан ўтказилган сўровда иштирок этган маҳкумларнинг 38,1% таълим ва тарбиядаги сусткашлик, 32% ишсизлик, 14,9 % ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, 5,4 % моддий етишмовчилик, 4,1 % осон йўл билан пул топиш, 1,6 %ни ичкилик, 0,6 % интернетнинг салбий таъсири деб белгилашган.

Таҳлиллардан кузатиш мумкинки, фирибгарликнинг содир этилишининг асосий сабаблардан бири шахслардаги пулга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигидadir. Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу эҳтиёж икки тарафлама бўлиши мумкин. Масалан, фуқаро А. Чорва молларининг олди-сотдиси билан шуғулланади, у фуқаро Б.нинг ишончига кириб қора молларини Б. Кутган нархдан қўра қимматга баҳолаб, фақат ушбу пулларни бир йилдан кейин бериш шарти билан чорва молларини олиб кетади ва уларни пуллаб ўз эҳтиёжларига сарфлайди. Келишилган муддат келгач эса фуқаро Б.ни ҳар хил важ ва баҳоналар билан алдаб унинг пулларини қайтариб бермайди. Гап шундаки бу ҳолатда жабрланган фуқаро Б.нинг ўзи кутганидан ортиқроқ пулга учиб алданади яъни жиноят қурбони бўлишига сабабчи бўлади.

Шу билан бирга, шасхларда фирибгарлик жиноятини содир этишга ундовчи бошқа турдаги эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Ҳар қандай инсонда жисмоний эҳтиёж қондиришга бўлган хошиш кучлироқ бўлади. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, айрим тоифадаги фирибгарлар хаётда зарурий эҳтиёжни қондириш эстагида фирибгарликка қўл уришади. Фирибгарлар орасида спиртли ичимликка ружу қўйган ва гиёҳвандликка чалингандарда асосан бундай ҳолат кузатилади. Чунки, уларда ҳаётга, яхши яшашга бўлган қизиқиш сўнган бўлади. Улар фақатгина кундалик жисмоний эҳтиёжини қондириш мақсадида бўлишади.

<sup>77</sup> И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма, Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Б□5.

Бундан ташқари, фирибгарликдан жабрланган шахсларда ҳам маълум эҳтиёжлар бўлиб, улар қуидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- жисмоний эҳтиёж: очлик, чанқоқ, жинсий хайрихоҳлик;
- ижтимоий эҳтиёж: ижтимоий алоқалар, мулоқот, боғланганлик, бошқалар ҳақида қайғуриш ва ўзига нисбатан ғамхурлиқ, ҳамкорликдаги фаолият;
- рухий эҳтиёж: иқоралик, хошиш-истиақ;
- маънавий эҳтиёж: ўзини ўзи ҳурмат қилиш, бошқалар томонидан ҳурмат қилиниши, натижадорлик ва юқори бахога эришиш, тан олинниш;
- моддий эҳтиёж: доимий яшаш шароитини яхшилашга интилиш.

Енгил пул топиш, хаётда қийинчилик кўрмасдан кун кечириш, кийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтишга ўриниш ҳар қандай шахсни ўзига жалб этиш эҳтимоли юқори. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, шахслардаги ғурур, инсоф, диёнат, виждан каби хусусиятлар ҳамда ахлоқий тарбия тамойиллари кўпчиликни жиноят содир этишига йўл қўймайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуидаги тўрт ҳолатда шахс фирибгарликка қўл уради деган фикрдамиз:

- ахлоқий тарбиядаги камчиликлар;
- пулга бўлган эҳтиёж қондириш зарурияти;
- жисмоний эҳтиёж қондириш зарурияти;
- бойиб кетишга бўлган кучли хошиш.

Фирибгарликка оид жиноят иши материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки аксарият ҳолларда жабрланувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (ўта ишонувчанлиги) мазкур жиноятнинг содир этилишига имкон яратган. Фирибгарлик жиноятларини содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинганида, 71,4 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ўта ишонувчанлиги, 16,3 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан эришишга уринишлари, 6,9 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ҳуқуқий билимлари этишмаслиги мазкур жиноятларнинг содир этилишига шароит яратган.

Ҳақиқатдан ҳам юқорида таъкидланганидек, фирибгарликнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг муайян даражада ўзига хос хиссаси мавжуд, чунки улар фирибгарларнинг алдовларига ишониб, чув тушиб қолишмоқда.

Назарияда фирибгарликнинг сабаб ва шароитлари келиб чиқиши бўйича асосий ва асосий бўлмаган сабаб ва шароитларга бўлиб ўрганилади. Асосий сабаб ва шароитлар деб жамият ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам фирибгарликнинг объектив қонуний ҳодиса сифатида мавжуд бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндисига айтамиз. Бундай сабабларга мисол қилиб ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, жамоат манфаати билан шахсий манфаат ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги ва шунга ўхшаш жамият ривожланишининг объектив қонунларига асосан ҳар қандай жамиятда, унинг барча босқичларида

мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни салбий томонларини келтиришимиз мумкин.

Асосий бўлмаган сабаб ва шароитлар деб, жамият ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўлган, вақтинчалик ва ўткинчи хусусиятига эга бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи воқеа, ҳодиса ва жараёнлар йифиндисига айтамиз. Асосий бўлмаган сабабларга мисол қилиб ҳозирги вақтда ишсизлик, етишмовчилик, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, миллий валютанинг қадрсизланишини, ташкилий-бошқарув соҳасидаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келтиришимиз мумкин.

Хорижий мамлакатларда содир этилаётган фирибгарликнинг сабаблар ўрганилганда бир қатор ухшаш холатларни кузатиш мумкин. Масалан, АҚШда фаолият олиб бораётган хинд колл-марказлари иштирокида кенг қамровли фирибгарлик жинояти содир этилган бўлиб, жиноятчилар ўз фаолиятини телефон ва интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишган. Мазкур жиноятнинг қурбонлари асосан кекса ёшдагилар ва муҳожирлар бўлишган. Мазкур жиноятдан жабрланганлар сони 15 мингдан ошган ва улар жабрланувчилардан 250 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорида пул ундиришган. Деярли 4 йил давомида бу жиноий гурӯҳ телефонда одамларни алдаш ва таҳдид қилиш учун турли усуслардан фойдаланган, асосий таҳдид – қамоқ жазоси, депортация ва АҚШ ҳуқумати билан боғлиқ бошқа муаммолар бўлган.

Юқоридаги мисолда қуйидаги сабаб ва шароитлар фирибгарликнинг содир этилишига олиб келган деб хulosа қилиш мумкин:

- АҚШда яшаётган ва мазкур жиноятнинг қурбонига айланган 15 мингдан ортиқ фуқароларнинг хулқ-атворида ишонувчанликнинг юқорилиги;
- АҚШ ҲМҚОлар фаолиятида ташкилий-бошқарув соҳасидаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар;
- фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги;
- интернет ва замонавий технологиялар билан ишлаш имкониятининг кенглиги;
- АҚШ молия тизимида молиявий мониторингнинг бўшлиқнинг мавжудлиги;
- ҲМҚОлар томонидан амалга оширилаётган назоратнинг сустлиги туфайли фирибгар эркин ҳаракат қилиш имкониятининг мавжудлиги.

У ёки бу хаётий холатларга қўра жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ҳам бундай алдов ёки ишончининг суистъемол қилинишига дуч келиши табиийdir. Бундан ташқари ушбу жиноятнинг фарқли томони шундаки, фирибгарлар очиқ ҳаракат қиласиди ва ўз қурбонини караҳт холатга тушуради. Алдаш холатини бирданига аниқланмайди, балки муайян вақт ўтгандан алданиш аломатлари кузатилади. Бу вақтда эса фирибгар ўзганинг мулки ёки мулкка бўлган

хуқуқини қўлга киритади ҳамда бўлиб ўтган холат юзасидан керакли бўлган тавсилотларни яширишга улгуради<sup>78</sup>.

Жинояtlар натижасида фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказилади. Худди шунингдек фирибгарлик жиноятидан жабр кўрган шахсларда ҳам бундай ҳолат кузатилади. Бироқ фирибгарлик айrim турдаги жинояtlардан, жумладан ўғрилик жиноятидан ўзига хос жихатлари билан фарқ қиласи. Масалан, ўғрилик жиноятининг содир этилишида жабрланувчиларнинг ўз мулкини очиқ қолдирилиши ёки унга бўлган бепарволиги шароит яратади. Худди шунингдек ушбу турдаги жиноят ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш каби хатти-ҳаракатлар билан ифодаланади. Фирибгарликнинг содир этилишида уғирликдан фарқли равишда жабрланувчилар хулқ-атворидаги ўта ишонувчанлик шароит яратади. Шунингдек, ушбу жиноятнинг уғирлик жиноятидан фарқли бўлган асосий жихати жабрланувчи ўзига тегишли бўлган моддий қимматликларини ўз қўли билан жиноятчига топширишидадир.

Фирибгарликнинг бир қатор турлари фарқлансада, унинг содир этилишида умумий харакатердаги қуйидаги ўзига хос хусусиятларни кузатиш мумкин:

- жиноятчилар жабрланувчиларга таъсир ўтказиш мақсадида психологик методларни чуқур қўллашади;
- жабрланувчилар жиноятчининг ўзини тутиш сабаблари ва жиноий хатти-ҳаракатларини сезмайди;
- жабрланувчилар ҳеч муболағасиз ва иккиланишларсиз жиноятчига ўзининг мулки ва бойликларини ўз хохиши (ўз қўллари) билан беради;
- кўпгина холатларда фирибгарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашади;
- фирибгарлар айrim холларда мураккаб қўрилма ва буюмлардан фойдаланишади;
- атрофдагиларнинг фирибгарларга нисбатан бефарқлиги кузатилади.

Қонунда фирибгарлик учун қаттъий жазо чоралари белгиланган бўлсада, бироқ фирибгарлар томонидан фуқароларни мулкини эгаллаш мақсадида уларни алдаш давом этади. Чунки, жазонинг оғирлиги бу турдаги жинояtlарни олдини олишга хизмат қиласи деган фикрдан йироқ йўришимиз лозим. Фирибгарликнинг оқибатини бартараф этиш учун унинг сабаб ва шароитини чуқур таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқdir.

Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири мазкур турдаги жинояtlарнинг барвақт профилактикасиdir. Ушбу профилактиканинг ўзига хос жихатларидан бири содир этилаётган фирибгарлик жинояtlарининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришdir. Шунингдек,

<sup>78</sup> И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ. Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма, Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Б□5.

профилактик чора-тадбирларни қўллаш самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир<sup>79</sup>.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан «Темир дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилсан.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда иккى ой муддатда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

Бунда, лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсан;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсан.

<sup>79</sup> ИИВ вазири Пўлат Бобоҷонов “Ҳалқ давлатдан рози бўлиши қўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз” 2018-й “Постда” 8 сон

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига қўйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи Қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган З ийллик даврни 6 йилга ошириш;

болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблашмуҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, жамиятдаги барча аҳоли қатламини турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг реал даромадларини ошириш ва ижтимоий қўллаб қувватлашни такомиллаштириш ўз навбатида турли салбий ҳолатларни олдини олишга хизмат қиласди. Юқорида такидлаб ўтганимиздек, фирибгарлик жиноятларининг энг асосий сабабларидан бири бу аҳолининг моддий эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги, иқтисодий муаммолар эътироф этилган. Шу боисдан аҳолининг эҳтиёжларининг етарли даражада қондирилиши фирибгарлик жиноятларини олдини олишнинг асосий усуllibаридан ҳисобланади.

Юқоридаги омилларни бартараф этмай туриб биз жамиятда учрайдиган салбий ҳолатлар, шу жумладан фирибгарлик жиноятларини олдини олишда натижаларга эришиб бўлмаслигини англашимиз лозим. Шу боисдан, бугунги кунда мамалакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб қувватлаш, янги ишчи ўринларини яратиш, “уюшмаган ёшлар”нинг мавжуд муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди ва улар давом эттирилмоқда.

Австрия қонунчилигига кўра жабрланувчининг маълум бир ҳаракатни амалга ошириши, бирон-бир ҳаракатга имкон бериши ёки фактик алдаш туфайли ҳаракатсизликни амалга ошириши фирибгарликни ташкил этади (бунда унинг турлари: оддий, оғир, компьютер, зарурият туфайли содир этилган кабиларга бўлинади).

АҚШ жиноят қонунчилиги бўйича фирибга рлик деганда алдаш тусига эга бўлган, усул келишув ва серқирра ҳаракатлар тизими тушунилади (Унинг турлари: кўзбуюмачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, телемаркетинг, почта, банкротлик, кредит карталари орқали, тиббиёт, ҳукумат ташкилотларига қарши, суғурта, қимматли қоғоз муомиласи).

Япония жиноят кодексида фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашни англатади. Агар шахс шу йўл орқали ўзи ёки бошқа шахс учун

ноқонуний мулкий фойда кўрса, бундай ҳаракатлар ҳам фирибгарлик ҳисобланади.

Германия жиноят кодексида фирибгарлик оддий, алоҳида оғир, компьютер, субсидия олишга қаратилган, капитал киритишга оид, кредит каби турларга бўлинади.

Юқоридаги тушунчалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фирибгарликнинг тушунчаси унинг содир этиш усули, шаклари ва қўллаш методларидан келиб чиқади. Масалан, фирибгарликка оид барча тушунчаларда бирорни алдаш орқали мулкни ёки мулкка бўлган хуқуқни қўлга киритиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар кузатилади<sup>80</sup>.

Таъкидлаш жоизки, республикамида содир этилаётган жами жиноятлар орасида фирибгарлик жиноятларининг салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилмоқда кузатилмоқда. Таҳлилларга кўра, 2020 йилда фирибгарлик жинояти жами содир этилган жиноятларнинг 11,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 13,1 фоизни ташкил қилган. 2021 йилнинг 12 ойи давомида республика бўйича содир этилган фирибгарлик жинояти (24554) 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 12,78 фоизга камайган бўлсада, умумий жиноятларда хиссаси 25,1 фоизни ташкил этмоқда. Фирибгарликнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (7296 та ёки 20%) Фарғона вилояти (1840та ёки 13%), Самарқанд (1632 та ёки 9,7) ва Тошкент (1557 та ёки 8,6) вилоятлари ҳисобига тўғри келган. Энг ачиরналиси, 2021 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 7,4% (878та) фош этилмасдан қолган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. ИИВ вазири Пўлат Бобожонов “Халқ давлатдан рози бўлиши қўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз” 2018-й “Постда” 8 сон.

2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т: “Ўзбекистон”, 2017 йил, 10-бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маъруза // Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Пост”да газетаси, № 50-сон, 1-5 бетлар.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.В. – Т:

5. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 348.<https://m.ok.ru>

<sup>80</sup> ИИВ вазири Пўлат Бобожонов “Халқ давлатдан рози бўлиши қўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз” 2018-й “Постда” 8 сон

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH  
VOLUME6 ISSUE-5 (30-May)

---

6. Серебренникова А.В. Уголовный кодекс Австрии. -М., Зерцало, 2001.-С.144.
7. Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. -Киев: КНТ, 2007.-С.596.
8. Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002.-С.226.
9. Шестакова Д.А. Уголовный кодекс федеративной Республики Германии. – СПб., Юридический центр Пресс, 2003. –С.524.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази маълумоти
11. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти маълумоти
12. И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошқ. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма, Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. Б-5.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. № 6. – 70-м. // URL: <http://www.lex.uz>
14. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази маълумоти